

ЎзХДП депутати: мулоҳаза ва таклиф

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Яратиш имкониятлари жуда кенг. Улардан фойдалана олиш ўзимизга, фаоллигимизга, электорат билан ишлашга боғлиқ

ҚИШЛОҚЛАРДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЗАРУР

Қишлоқ жойларида янги иш ўринлари барпо этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш билан боғлиқ масалалар аввало, ўша ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига хизмат қилади. Шу боис Президентимиз марказлардан олисда жойлашган ҳудудларда замонавий инфратузилмани шакллантиришга жуда катта эътибор қаратмоқда.

Қишлоқда иш ўринлари ташкил этиш, аҳолини доимий иш ҳамда юқори даромад манбаи билан таъминлашнинг муҳим йўналишларидан бири хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришдир. Бу қандай амалга ошади?

Қишлоқларда оилавий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида иш бошлаш ниятида юрган кишилар кўп. Фақат уларни қўллаб-қувватлаш, керак пайтда, йўл-йўриқ кўрсатиш зарур.

Демак, маҳаллий ҳокимлик мутасаддилари ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар узок қишлоқлардаги шарт-шароитлар билан яқиндан танишиши, одамларни ўйлантираётган ёки иш бошлашига тўсқинлик қилётган масалалардан хабардор бўлиши зарур. Айниқса, келажаги бор лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг кенгайиши ўз навбатида қишлоқларда банк, солиқ, суғурта, алоқа ва бошқа шунга ўхшаш замонавий хизматлар қўламини кенгайишига замин яратади. Муҳими, шу орқали ҳам барқарор иш ўринлари яратилади, қишлоқ аҳолиси мазкур хизматлардан фойдаланиш учун туман ёки вилоят марказига бориб юрмайди, одамларнинг узоғи яқин, оғири енгил бўлади.

Мен халқ депутатлари вилоят Кенгашига Олтириқ тумани 35-Ҳамза сайлов округидан сайланганман. Худудда 79 минг нафардан зиёд аҳоли яшайди. Уларнинг 30 миңдан ортиғи иш билан банд. Қишлоқ ҳудудларида яшовчи аҳоли ўз томорқасида деҳқончилик билан шуғулланади.

(Давоми. Боши 1-бетда.)



Яқинда халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан Фарғона вилоятида 2013-2015 йилларда саноат салохиятини ошириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, 2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурлари ижросини таъминлаш бўйича халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари учун услубий қўлланма ишлаб чиқилди. Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг шу йил февраль ойида бўлиб ўтган сессиясида «2013-2015 йилларда вилоятнинг саноат салохиятини ошириш ҳамда 2013 йилда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурлари ижросини таъминлаш тўғрисида» қарор қабул қилинди.

Эътиборли жиҳати, мазкур қарор асосида вилоятда мини цех ва корхоналар, фермер хўжаликлари қошида сервис хизмати ташкил этиш, янги иш ўринлари яратиш жадал бошлаб юборилди.

Ҳар бир депутат ўз сайлов округи ҳудудида мазкур ҳужжатлар ижросини назорат қилса, юзага келаётган муаммоларни бартараф этишга ўз Ҳиссасини қўйса белгиланган тадбирларнинг самарадорлиги янада ошади.

ЎзХДП ДАСТУРИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ УЧУН

Партияимиз Дастурида қишлоқ аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш ва бандлик даражасини ошириш бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Маҳаллий хомашёни тўплаш ва бирлаштириш ишлов бериш, шунингдек, катта сармога талаб қилмайдиган касибчилик, хунармандчилик ва касаначиликни ривожлантириш орқали иш ўринларини кўпайтиришга алоҳида эътибор бериш зарур.

лиги қайд этилган. Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партияимиз депутатлик гуруҳи мазкур вазифалар ижросига алоҳида эътибор қаратиб келаяпти.

Хусусан, ўтган йили депутатлик гуруҳи ва вилоят партия кенгаши томонидан ҳудудлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ 20 дан ортиқ масала ўрганилди. Бунда, хусусан, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, қишлоқ жойларда аҳолига хизмат кўрсатишнинг замонавий инфратузилмасини шакллантириш, касаначиликни ривожлантириш, шунингдек, уй-жой хўжалиги ва коммунал соҳани такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижросини ўрганиш ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар билан чиқиш депутатлик гуруҳларимизнинг доимий диққат марказида.

Дастур ижроси бўйича касб-хунар коллежлари битирувчиларини ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш масаласи партияимиз депутатлик гуруҳлари ташаббуси билан халқ депутатлари вилоят Кенгашининг те-

гишли доимий комиссиясида 2 марта, маҳаллий Кенгашлар сессияларида 6 марта, туман ва шаҳар Кенгашларининг доимий комиссияларида 16 марта муҳокама этилиб, улар натижалари юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

МУАММО ШУНДАКИ...

Қишлоқ жойларида янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг энг муҳим омилларидан бири маҳаллий хомашёни шу ернинг ўзида қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорт ҳажмини оширишдан иборат. Бунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган мини цех ва корхоналарнинг чекка ҳудудларда кўпайиши муҳим аҳамиятга эга. Шунда маҳаллий маҳсулотлар ҳам арзон бўлади, ҳам ўша жойда яшовчи аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ошади.

Шунингдек, айрим қишлоқларда сарторошхона, пойабзал таъмирлаш устаноналари, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолиятини расмийлаштириш, уларда меҳнат қилаётган кишилар меҳнатини муҳофазалаш борасида ҳам қилиниши зарур бўлган талайгина ишлар бор. Саноат усулида маҳсулот ишлаб чиқаришни ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтириш борасида ҳам камчиликлар йўқ эмас.

Қишлоқларда бўш ерлар кўп. Уларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, хусусан, сут ва гўштини қайта ишлаш корхоналарини куриш, паррандачиликни ривожлантириш имкони катта. Бу масалаларга эътиборни янада кучайтириш, ҳаракатларни бирлаштириш керак.

МАСАЛА ЕЧИМИ БЎЙИЧА ТАКЛИФ

Аввало, аҳоли орасида банк хизматлари, кредит олиш тартиби-қоидалари, қонуний меҳнат қилиш бўйича тарғибот ишларини кучайтириш лозим.

Айниқса, қишлоқ шароитида кам маблағ сарфлаб, қулай иш ташкил этиш, янги иш ўрни очиб имконияти катта. Бундан самарали фойдаланиш зарур. Бунда оилавий тадбиркорлик, катта сармога талаб қилмайдиган касибчилик, халқ хунармандчилиги ва касаначиликни ривожлантириш керак.

Аҳолини иш билан таъминлашга қаратилган ярмаркаларни марказларда эмас, кўпроқ чекка ҳудудларда ўтказиб, уларда хунар аҳли, оилавий тадбиркорлар томонидан тайёрланган маҳсулотлар кўргазмасини ташкил этиш керак, назаримда.

Бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш, қўшимча имкониятлардан фойдаланиш, мазкур жараёнда мутасадди вазирлик, маҳаллий ҳокимият органлари ва депутатлар ҳамкорлигини янги поғонага олиб чиқиш керак, деб ўйлайман.

«Ўзбекистон овози» мухбири Лазиза ШЕРОВА ёзиб олди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ БИРИНЧИ ЎҚИШДА МАЪҚУЛЛАДИЛАР

Ушбу қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур фармонларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, суд ишларини мустақил юриштириш ва суд органлари ходимларининг ижтимоий мақомини ҳимоя қилиш учун зарур ҳуқуқий ва ижтимоий кафолатларни кучайтириш бўйича комплекс ҳамда тизимли чора-тадбирларни амалга оширишни, шунингдек, суд кадрларини танлаш, тайёрлаш ва лавозимга қўраштириш ишларини такомиллаштиришни назарда tutади.

Депутатлар мажлисида «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида»-ги қонун лойиҳасини ҳам муҳокама қилдилар. Ушбу қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 14 февралдаги қарори билан тасдиқланган «Обод турмуш» Давлат дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Мажлис давомида таъкидлаб ўтилдики, қонун лойиҳаси жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ҳуқуқий бўшлиқни тўлдирish, ушбу соҳадаги қоидабузарликлар учун жавобгарликни белгилашга, шунингдек, давлат органларига ва бошқа ташкилотларга мурожаат қилиш тартибларини янада такомиллаштиришга қаратилган. Қонун лойиҳасининг муҳим янгилиги, унда мурожаат қилишнинг юридик шахсларнинг мурожаатлари деб аталувчи шакли мустақамлаб қўйилганлиги бўлиб, бу давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солиш имкониятини бе-

ради. Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда қонунийликни ва қонун устуворлигини конституциявий принципини таъминлашнинг самарали ҳуқуқий механизмларини яратишга имкон беради.

Шундан кейин депутатлар нефть, газ қувурларига, нефть ва газ маҳсулотлари қувурларига руҳсат этилмаган ҳолда улашиш йўли билан ўғирлик содир этганилик, шунингдек, ушбу объектларга шикаст етказганлик ва уларни яроқсиз ҳолга келтирганлик учун жиноий жавобгарликни назарда tutуви қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар.

Ҳар томонлама муҳокамадан сўнг депутатлар юқорида кўрсатиб ўтилган барча қонун лойиҳаларининг асосий қоидаларини маъқулладилар ва уларни биринчи ўқишда қабул қилдилар. Ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини келиб тушган таклифларни ҳисобга олган ҳолда кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлаш вазифаси масъул қўмиталарга топширилди.

Қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш жараёнида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари масалаларга таклифлар билан сўзга чиқдилар. Депутатлар жамятиимиз ҳаётининг турли соҳаларида олиб борилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қўйилган вазифаларини амалга ошириш муҳимлигини алоҳида таъкидладилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

«ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ»

журналининг навбатдаги сони ЧОП ЭТИЛДИ

Бу жараёнларни тўғри талқин қилиш, кенг жамоатчиликка ҳолис ва тўлақонли етказишда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази муассислигида чоп этиб келинаётган «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» илмий-маърифий журналининг ўз ўрни бор. Яқинда журналининг 2013 йилдаги ilk сони чоп этилди.

Журналдаги бош мақолада Мустаҳам оила йилида амалга оширилган ишлар, 2013 йилга «Обод турмуш йили» деб ном берилишининг аҳамияти, мазмун-моҳиятига алоҳида урғу берилган.

Шунингдек, Обод турмуш йилида жамоат ташкилотлари зиммасидаги устувор вазифалар, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш йўлида бажарилиши лозим бўлган ишлар хусусида батафсил фикрлар билдирилган.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзилла Норбаеванинг «Халқимиз турмуши ободлигини оширишда камарбастамиз» номли мақоласида жорий йилда белгиланган вазифаларни адо этишда Қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳамда ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада кучайтириш тўғрисида тахлилий фикрлар ўртага ташланган.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси Анвар Аҳмедовнинг

(Давоми. Боши 1-бетда.)



«Маҳалла — фуқаролик жамятининг муҳим асоси» мақоласида маҳаллалар фаолиятининг ташкилий ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари қўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар, миллий қонунчилигимизга киритилаётган ўзгаришлар хусусида мулоҳаза юритилган.

Шунингдек, журналда «Мустақил суд тизимига эга бўлиш учун», «Хорижий мамлакатлар бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилигининг қиёсий-ҳуқуқий тахлилий», «Марказий Осиёда трансчегаравий сувлардан фойдаланишнинг тарихий ва ҳуқуқий асослари» каби долзарб мавзуларда мақолалар эълон қилинган.

(Ўз мухбиримиз.)

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТГА ЭГА ДАСТУРЛАР

изчил амалга оширилишидан манфаатдормиз

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сурхондарё вилоят кенгашининг IX пленуми бўлиб ўтди. Унда партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг ЎзХДП дастури мақсад ҳамда вазифаларини бажариш, электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятини такомиллаштириш, партиянинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури ижросини таъминлаш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Кун тартибига доир ҳужжатлар аввалдан пленум иштирокчиларига тарқатилган эди. Шу сабабли пленум тўғридан-тўғри муҳокамадан бошланди. — Партия ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларининг ташаббускорлигини кучайтириш электорат манфаати ҳимоясида ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир, — деди ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Иброҳим Ёқубов. — Ўтган йили партияимизнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури ижросини таъминлаш борасида муайян амалий натижаларга эришдик. Хусусан, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларидаги партияимиз депутатлик гуруҳлари томонидан 18

та масала, шунингдек, депутатларимиз ташаббуслари билан яна 3 та масала ўрганилиб, сессиялар муҳокама-ларига киритилди. Натижада маҳаллий вакиллик ҳокимияти даражасида электорат манфаати ҳимоясига хизмат қиладиган қарорлар қабул қилинди. Айни пайтда депутатлик гуруҳлари уларнинг жойларда тўлиқ бажарилиши устидан назоратни изчил амалга ошираётгани.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурининг вилоятда тизимли бажарилиши юзасидан партия ташкилотлари ва маҳаллий Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳларининг аниқ иш режалари ишлаб чиқилган. Уларнинг бажарилиши жисмоний имконияти чекланган, ижтимоий ҳимояга мутож кишилар ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларни ка-

саначилик ва хунармандчиликка жалб этиш, бандлигини таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга. Шундай экан, бизга ишонадиган қатлам манфаати йўлида мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш талаб этилади.

— Бугунги кунда касб-хунар коллежлари битирувчиларини доимий иш ўринлари билан таъминлаш долзарб вазифа ҳисобланади, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Алишер Содиқов. — Бу борада партия ташкилотлари ҳамда маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари зиммасида жиҳдий вазифалар турибди. Бунда аввало, аҳоли ўртасида дастурларда кўзда тутилган вазифалар, уларнинг аҳамияти ва мазмун-моҳиятини кенг тушунтириш, давлат ва ҳудудий дастурлар ижроси бўйича депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш зарур.

— Депутатлик гуруҳлари электорат манфаатини таъминлашда биз учун асосий кўч ҳисобланади, — деди ЎзХДП Термиз туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Тўрабек Зоиров. — Ўтган йили депу-

татлик гуруҳимиз ташаббуси билан аҳоли бандлигига доир 2 та масала ўрганилиб, сессия кун тартибига киритилди. Сессияда бандлик дастури ижросини тўлиқ таъминлаш, бу борада мутасадди идора-ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини оширишга қаратилган қарорлар қабул қилинган.

Энг муҳими тегишли қарорлар қабул қилиш эмас, уларнинг ижросини таъминлашдир. Шундай экан, ижтимоий аҳамиятга эга қарорлар ижроси эътиборимиздан четда қолмаслиги керак.

Шунингдек, пленумда сўз олган партия ташкилотлари раҳбарлари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар

Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари аъзолари, «Истиклол» ёшлар қаноти ва «Фаол аёллар» қаноти етакчилари Обод турмуш йилида партия дастурий мақсадларини амалга ошириш, тегишли Давлат дастурлари, ҳуқумат қарорларининг ижроси юзасидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш, касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, электорат билан ишлаш, партия дастурий мақсад ва вазифаларини бажаришда бошланғич партия ташкилотлари фаоллигини ошириш масалалари юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Пленумда вилоят партия кенгаши ижроия қўмитаси ва вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳининг 2012 йилдаги фаолияти ҳамда вилоят кенгашининг 2012 йил бюджетининг ижроси ва 2013 йилги бюджетининг асосий кўрсаткичлари тўғрисидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди. Улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Нурали ОРИПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

САЙЛОВ ЖАРАЁНИНИ ЯНАДА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Семинарда Марказий ва худудий сайлов комиссиялари аъзолари, сиёсий партиялар раҳбарлари, сенаторлар, Қонунчилик палатаси депутатлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган қатор халқаро ташкилотлар, шу жумладан БМТД, ЕХТ вакиллари, сайлов ҳуқуқи соҳаси олимлари ҳамда мутахассислари иштирок этди.

Тадбирда давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўлаидан сайловнинг юксак савияда ташкил этилиши ва ошқоралигини таъминлаш, сиёсий партияларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигига киритилган ўзгаришлар ҳисобга олинган ҳолда сайлов кампанияси давомида партиялараро рақобатни, депутатликка номзодлар бахslashувини қучайтириш масалалари муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов семинарни очар экан, очик ва эркин сайловлар Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуришнинг муҳим таркибий қисми, халқимиз ўз хошироқдасини билдиришнинг, фуқароларимизнинг давлат ҳамда жамият ишларини бошқаришдаги иштирокнинг асосий шакли ҳисобланганини таъкид қилди. Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси миллий сайлов тизимини, бу борадаги тегишли қонунчиликни ривожлантириш ва янада эркинлаштиришда янги босқични бошлаб берди.

Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш доирасида мамлакатимиз парламенти 2012 йил 19 декабрда «Сайлов эркинлиги янада таъминланиши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунни қабул қилди.

Сайлов қонунчилигига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар жамиятимизда рўй бераётган реал жараён, сиёсий партиялар фаолигини, фуқароларнинг сайловчилик маданияти ошгани, мамлакатимизда де-

(Давоми. Боши 1-бетда.)

мократик ислохотлар кўлами кенгайганини ифодасидир. Бу янгиликлар сайлов комиссиялари фаолиятининг очик-ошқоралигини тўлиқ таъминлашга қаратилган бўлиб, сиёсий партиялар ва сайлов жараёнининг барча иштирокчилари, шу жумладан давлат ҳамда нодавлат оммавий ахборот воситаларининг масъулиятини оширади.

ЕХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси Дьердь Сабонинг таъкидлашича, «Ўзбекистонда мутахассислар ва сайлов жараёнида қатнашадиган барча одамларни ўқитиш, бу борада бошқа давлатлар билан тажриба алмашишга катта эътибор қаратилмоқда. Кейинги сайловларга тайёргарлик кўриш борақат бошланганини ҳам қайд этиш жоиз. ЕХТ Ўзбекистонга сайлов тизимини янада такомиллаштиришдек муҳим ишда бундан буён ҳам ёрдам беришга тайёр».

«Айни пайтда мамлакатимиз сиёсий партиялари катта мафкуравий ва амалий тажрибага эга, ички ҳамда ташқи сиёсат масалаларида ўз позициясини белгилаб олган, улар ўртасида соғлом рақобат кузатишмоқда, — деди Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси сиёсий кенгашининг марказий аппарати раҳбари вазифасини бажарувчи Шамсиддин Бозоров. — Шу билан бирга, «Адолат» партияси ҳақида гапирадиган бўлсак, биздаги мавжуд катта ташкилий салоҳият ва имкониятдан ҳали тўлиқ фойдалана olmayмиз. Шу сабабли биз учун сайлов қонунчилигига киритилган янги нормалар, жумладан, электрот билан учрашувларни ташкил этиш тартибини белгилайдиган нормалар ниҳоятда муҳимдир. Бундай учрашувларда нафақат ўтган давр учун ҳисобот бериш, балки, энг муҳими — партиянинг мақсадли вазифаларини ақс эттирадиган пухта ўйланган рақобатбардош лойиҳа ҳамда дастурларни тақкиф этиш лозим. Бу эса партиянинг обрў-эътиборини оширади».

«Партияимиз қонунчиликда белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланган ҳолда, 2014 йилги сайлов кампаниясида янада фаол иштирок этиш ниятида, — деди Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Арслон Эшмуродов. — Партия мафкурасининг барчага маълум бўлиши сайловларга тайёргарлик кўришда асосий вазифа ҳисобланади. Умумий ваъдалар, баландпарвоз шiorларга энди йўл қўйилмайди. Шароит ва электрот ўзгарди. Сайловчилик сиёсий маданиятининг ортиб бораётгани партиядан уларга ўз йўналишининг яхлит ва тушунарли стратегиясини тақдим этиш учун мамлакатимиз,

минтақа ва дунёда рўй бераётган вазиятни янада чуқур таҳлил қилишни талаб этмоқда. Биз электротатимизни, аввало, ўзини ватанпарвар, мамлакатимиз манфаатларининг фаол ҳимоячиси деб биладиган фуқаролар ҳисобидан кенгайтириш ниятидамыз. Шу муносабат билан сайловгача сайловчиларнинг ҳуқуқий маданияти ва онгини ошириш партияимиз фаолиятида катта аҳамият касб этади».

Семинар қатнашчилари янги қонуннинг фуқаролар ўз сайлаш ҳуқуқларини эркин амалга оширишининг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлайдиган нормаларни эътиборга олиниб, парламент ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш билан боғлиқ амалий жиловларни кенг муҳокама қилди.

Иштирокчилар амалий мулоқот давомида ўтган сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда мониторинг натижасида аниқланган камчиликлар ҳамда фойдаланилмаган имкониятларни тақкидий таҳлил қилди, сайлов кампаниясини ўтказиш амалиётини янада такомиллаштириш, сиёсий партиялар, депутатликка номзодларнинг гоъялари, сайловолди платформаларининг очкиқлиги ҳамда бахslashувини таъминлашга доир чоралар кўриш зарурлигини таъкидлади.

«Мамлакатимизда сайловлар тобора юксак савияда ўтказилмоқда, — деди Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Ерназар Жуманазаров. — Шу билан бирга, сайловлар давомида, жумладан, сайлов кампаниясининг энг қийин босқичи — сайловолди ташвиқоти жараёнида айрим камчиликлар аниқланмоқда. Сайлов қонунчилигига яқинда киритилган ўзгариш ва қўшимчаларда сиёсий партиялар, депутатликка номзодлар томонидан сайловолди ташвиқотини амалга ошириш билан боғлиқ барча жараён аниқлаб берилди. Бу эса ишларни очик ва ошқоралик принципларига мувофиқ ташкил этиш имконини яратди. Бу борада кўп нарса худудий сайлов комиссиялари раислари ва вакилларининг ҳуқуқий билиминини оширишга боғлиқдир. Бунга ҳозир алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Бу галги семинарда йўл қўйилган камчиликлар, уларни тузатиш йўллари очик ва ҳар томонлама муҳокама этилгани жуда муҳимдир. Бу ўз навбатида, сайлов комиссиялари ишида бўлажак сайловларни ташкил этиш ва ўтказишда қонунчиликка қатъий риоя этиш принципларини мустаҳкамлашга кўмаклашади».

Ҳокимият вакиллик органларига бўлаидан сайловларни юксак савияда ташкил этиш, уларнинг очик-ошқоралигини таъминлашга доир аниқ тақлифлар билдирилди.

«Партияимиз экспертларининг фикрича, бўлажак сайловлар партиялар ўртасида кескин бахslashлашиш, сайловчилар овозини рақобатлаштириш шароитида ўтади, — деди Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши аъзоси Алишер Абдуллаев. — Партияимизнинг аввалги сайловлардаги иштирок этиш тажрибасини танқидий баҳолаб, ЎзЛиДеП партия томонидан кўрсатиладиган депутатликка номзодлар учун талабларини оширишни мўлжалламоқда. Номзодларнинг сайловчилар ишончини қозониши, уларга партиянинг мақсад ва вазифаларини етказиб бера олиши эса уларнинг тайёргарлиги, билим ва воқолатларига боғлиқдир. Сайловларнинг очик-ошқоралиги эса кўп жиҳатдан сиёсий партиялар, жумладан, сиёсий партияларнинг кузатувчилар институти ва депутатликка номзодларнинг ишончи вакиллари томонидан таъминланмоқда. Афсуски, 2009 йилги сайловлар пайтида уларнинг салоҳиятидан тўлиқ фойдалана олмадик. ЎзЛиДеП сайлов кампаниясида оммавий ахборот воситалари, шу жумладан нодавлат ва худудий оммавий ахборот воситалари имкониятларидан, сайловолди ташвиқотининг қонунчиликда кўзда тутилган барча шакл ҳамда услубларидан кенг фойдаланиш зарур, деб ҳисоблайди».

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши аппаратынинг бўлим раҳбари Махмуд Топировнинг таъкидлашича, «сайлов жараёнини янада эркинлаштириш ва аниқ тартибга солиш Халқ демократик партияси зиммасига ўз стратегияси ва дастурини ишлаб чиқиш, сайлов кампаниясини ташкил этиш ҳамда ўтказиш, депутатликка номзодларни пухта танлаш бўйича катта масъулият юқлайди. Айни пайтда ушбу борақча йўналишда фаол иш олиб бормоқдамиз. Бунда партия бошлангич ташкилотлари фаолиятини қучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Негаки, айнан улар орқали аҳолининг фикри ва кайфиятини билишимиз, фуқароларни партияимиз сиёсий йўли билан кенг таништиришимиз мумкин. Ушбу семинар партияимиз томонидан мамлакатимизнинг барча худудидида шундай туркум тадбирларни ўтказишга даъват этади».

Семинарда сўзга чиққанларнинг фикрича, сайлов жараёнида оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятини бошқа институтлари иш-

тирокини кенгайтириш зарур. Сайлов ташкилотчилари малакасини, сайлов кампаниясини ёритишда оммавий ахборот воситалари ходимлари касб маҳоратини янада ошириш, бунинг учун махсус ўқув курсларини ташкил этиш катта аҳамият касб этади. Сайлов комиссиялари, сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари фаолиятини услубий таъминлашни такомиллаштириш ишлари давом эттирилади. Улар учун мамлакатимизнинг барча худудидида туркум семинар-тренинглр ташкил этилмоқда.

«Сайловларни ахборот билан кенг таъминлаш фуқаролар сайлаш ҳуқуқининг муҳим кафолатларидан биридир, — деди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов. — Сайловолди даврида оммавий ахборот воситалари зиммасига катта масъулият юқланади. Улар сайловчиларни хабардор қилиш, айни пайтда жамоатчилик назорати воситаси сифатида хизмат қилади. Миллий оммавий ахборот воситалари бу борада муайян тажриба тўплаган. Бироқ, сайлов қонунчилигига киритилган ўзгаришлар эътиборга олиниб, уларнинг нодавлат ва худудий оммавий ахборот воситалари имкониятларидан, сайловолди ташвиқотининг қонунчиликда кўзда тутилган барча шакл ҳамда услубларидан кенг фойдаланиш зарур, деб ҳисоблайди».

Семинар қатнашчилари муҳокама натижаларига кўра, ушбу чораларнинг амалга оширилиши сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда қонунчилик, одиллик, коллегиялик, очик-ошқоралик принципларига сўзсиз риоя этиш, сайлов жараёнини янада эркинлаштириш ва умуман, мамлакатимизда давлат ҳамда жамиятини изчил, босқичма-босқич демократлаштиришда сайлов эркинлиги принципининг тўла қарор топишига хизмат қилади, деган хулосага келди.

Семинар якуни бўйича тегишли тавсиялар қабул қилинди.

Анна ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири.

Тадбир

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази томонидан «Юристлар малакасини ошириш: миллий ва халқаро тажриба» мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

ЮРИСТЛАР МАЛАКАСINI ОШИРИШГА БАФИШЛАНДИ

Маълумки, давлат ҳокимияти бошқаруви ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг юксак малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш, замонавий билимлар асосида ҳуқуқшуносларнинг касбий тайёргарлигини ҳамда уларни қайта тайёрлашни тубдан яхшилаш, шунингдек, ҳуқуқшунослик соҳасидаги илмий таққиқотлар савиясини ошириш мақсадида Президентимизнинг 1997 йил 25 июндаги Фармони асосида Адлия вазирлиги ҳузурида Юристлар малакасини ошириш маркази ташкил этилган эди.

Айни пайтда Марказ адлия, суд, юридик хизмат, адвокатура ва давлат бошқаруви йўналишлари бўйича ҳуқуқшунос кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишга ихтисослашган таълим муассасаси ҳисобланади ва унда ҳар йили 2500 нафардан ортиқ, ташкил топан вақтдан буён эса 21 мингдан ортиқ юристлар малака оширди.

Марказда 5 та кафедра бўлиб, маъруза ва амалий машғулотлар ўтказиш учун махсус аудиториялар, компьютер синфлари мавжуд.

Марказнинг 10 мингдан зиёд китоб фондига эга бўлган кутубхонаси электрон ахборот тармоғига уланган. Таълимнинг барча йўналишлари ҳақидаги маълумотлар, маъруза матнлари, илмий ишлар, миллий қонунчиликка оид янгиликлар, ўқув адабиётлари ва дарсликларнинг электрон шакли тингловчилар ихтиёрида.

Марказнинг халқаро ҳамкорлик алоқалари ҳам тобора ривожланиб бормоқда. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган халқаро ва хорижий ташкилотлар ваколатхоналари билан изчил ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Тадбирда биринчи марта судьялик лавозимларига захирга олинганларни қайта тайёрлаш, хусусан, янгица услублар асосида ташкил этилган ўқув машғулотлар ҳақида атрофлиқ ҳамда маълумот берилди. Матбуот анжумани якунида журналистлар Юристлар малакасини ошириш марказининг ҳуқуқий тарғибот тадбирлари, ҳуқуқий адабиётларни нашр этиш фаолияти ҳамда адвокатлар, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг юристлари малакасини оширишдаги вазифалари хусусидаги саволларига жавоб олдилар.

Рашид ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОБОД ШИФО МАСКАНИ

Наманган вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимида ўтказилган «Энг обод давлош профилактика муассасаси» кўрик-танловида Наманган шаҳар болалар шифохонаси голиб чиқди.

Тиббиёт фанлари номзоди, халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгаши депутати, ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси Дилфуза Каримова раҳбарлик қилаётган мазкур муассаса хровлисидаги саранжом-сариштилик, ободлик баҳри дилни очди. 2 гектар майдонни эгаллаган боғ ва гулзордан иборат хиёбондаги турфа гуллар нафис шаклу ша-

Таълимга эътибор — келажакка эътибор

Халқ таълими:

ИСЛОХОТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА

оммавий ахборот воситаларининг ўрни

Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида «Таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар аҳамиятини жамоатчиликка етказишда ахборот хизматлари ролини оширишнинг долзарб масалалари» мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳри ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари ахборот хизмати ходимлари, халқ таълими тизимидаги газета ва журналлар муҳаррирлари иштирок этди.

Семинар-тренингда асосий эътибор Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида белгилаб берилган устувор вазифалар ижроси, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очкиқлигини таъминлаш, кенг жамоатчилик ва аҳолини мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар мазмун-моҳияти билан таништиришда вазирилик тизимидаги нашрлар ва ахборот хизматлари фаолиятини янада қучайтиришга қаратилди.

— Концепцияда белгилаб берилганидек, бугунги кунда ОАВ фаолиятига доир қатор қонун лойиҳалари иш-

лаб чиқилаётир, — деди Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Абдулазиз Абдуллаев. — Хусусан, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очкиқлиги» тўғрисидаги қонун лойиҳаси эксперимент сифатида Самарқанд ва Бухоро вилоятларида амалиётга жорий этилмоқда. Бу борада вилоятлардаги 1800 дан зиёд ходимлар билан семинар-тренинг, ўқув машғулотлари ўтказилди. Мазкур жараёнларда халқ таълими худудий бошқармалари ҳам фаол иштирок этиши зарур. Бунинг учун вазирилик тизимида бўлаётган янгиликлар, таълимнинг замонавий методларини кенг тарғиб этиш, худудий нашрлар савиясини кўтариш, бошқармаларнинг веб-сайт-

ларини такомиллаштириш талаб этилади.

— Ҳозирги пайтда худудий бошқармаларнинг ахборот хизматлари ҳамда босма нашрлари замон талабларига жавоб бермайди, — деди Халқ таълими вазири ўринбосари Абдуғани Холбеков. — Жумладан, веб-сайтларда ахборотлар тезкорлик билан янгиланмайди, дизайн ўқувчинини ўзига жалб этмайди. Шунингдек, нашрларда чуқур таҳлилий, мавжуд камчиликларни очиб берадиган мақолалар етишмайди. Янгиликларга нисбатан муносабат сезилмайди. Бундай ҳолат таълим тизимида амалга оширилаётган туз ислохотлар, янгилишларнинг ўз вақтида жамоатчиликка етиб боришига халақит беришмоқда.

Шу боис мазкур йўналишда мавжуд камчиликлардан тўғри хулоса чиқарган ҳолда изчил фаолият юритиш, ахборот хизматлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида иш олиб боришимиз керак бўлади.

Тадбирда, шунингдек, ахборот хизматлари ходимларининг билим ва кўникмаларини янада ошириш, матбуот анжуманлари ташкил этиш, жамоатчилик билан алоқалар каби мавзударда фикр-мулоҳаза ва тақлифлар билдирилди.

Нурали ОРИФ

ТЕНДЕРНАЯ КОМИССИЯ

ГАЖК «ЎЗБЕКISTON ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»

объявляет тендер № 2 на 2013 год на приобретение ниже перечисленных материалов и комплекующих по лотам:



- Лот 1:** Проволока Вр 1500-2 из углеродистой стали, периодического профиля, диаметром 3 мм для армирования предварительно напряженных железобетонных конструкций в количестве 800 тонн.
- Лот 2:** Прокат листовой, сталь 15 ХСНД, раскроем 8x1500x6000 мм в количестве 420 тонн.
- Лот 3:** Сталь сортовая конструкционная, г/к, трапециевидного сечения 8,5x9,9 мм из стали марки 60С2 в количестве 210 тонн.
- Лот 4:** Прокат шестигранный, марка стали 20, диаметром 36 мм в количестве 420 тонн.
- Лот 5:** Прокат листовой из легированной стали, г/к, марка стали 09Г2С, 12-13 категории, раскроем 2x1250x2500 мм в количестве 210 тонн.
- Лот 6:** Прокат листовой из легированной стали, г/к, марка стали 09Г2С, 12-13 категории, раскроем 3x1500x6000 мм в количестве 490 тонн.
- Лот 7:** Прокат листовой из легированной стали, г/к, марка стали 09Г2С, 12-13 категории, раскроем 4x1500x6000 мм в количестве 1000 тонн.
- Лот 8:** Прокат листовой из легированной стали, г/к, марка стали 09Г2С, 13-14 категории, раскроем 8x1500x6000 мм в количестве 700 тонн.
- Лот 9:** Прокат листовой, марка стали 10ХНДП, раскроем 5x1500x6000 мм в количестве 420 тонн.
- Лот 10:** Эллиптические днища котлов раскроем 3000x12x600 мм, из стали 09Г2С-14 в количестве 200 штук.

За тендерной документацией обращаться по адресу: г. Ташкент, ул. Т.Шевченко, 7, ГАЖК «Ўзбекистон темир йўллари» Управление «Темир-йўленилгитамин», комната 410, тел: 237-94-72, факс: 238-84-43.

Электронная почта — israilov55@mail.ru
Заявка на участие в тендере принимается в течение 30 дней с момента выхода объявления в средствах массовой информации.



Эълон

Эртанги кун бизники, марра бизники!

Футбол

ЎЗБЕКИСТОН ОЛТИНЛАРИ

47-олимпиадада 184 киши иштирок этди. Бу Менделеев олимпиадаси тарихидаги энг юқори кўрсаткичдир. Олимпиадада жами 70 нафар иштирокчи совриндор бўлди. Уларнинг 11 нафари олтин, 23 нафари кумуш ва 36 нафари бронза медаллари билан тақдирланди.

Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари жами 15 та медални қўлга киритди. Бу Ўзбекистон ёшларининг Менделеев олимпиадасида қайд этган энг юқори натижаси бўлди.

— Ўзбекистон ҳукумати номидан 47-Халқаро Менделеев олимпиадаси иштирокчиларини қўллаётганидан хурсандман, — деди **Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Аҳмад Икромов**. — Бу ерда йиғилган барча ёшлар ўз Ватани шарафини муносиб ҳимоя қилишди. Мен олимпиада ташкилотчиларига миннатдорлик билдирмоқчиман. Бундан ташқари, Ломоносов номидаги Москва давлат университети жамоасига, Ўзбекистоннинг дўстларидан бири университет ректори Виктор Садовничийга ҳам алоҳида раҳмат.

Юртимизда кўплаб лицей-коллежлар, мактаблар қурилди. Мавжудлари капитал реконструкция қилинди. Таълим тизимидаги ислохотлар албатта молиявий масалалар билан боғлиқ. Айни пайтда Ўзбекистонда давлат бюджетининг салмоқли қисми таълим тизимига йўналтирилганлиги фахр билан тилга оламиз. Телевидение орқали олимпиада доирасида юртимизга ташир буюрган меҳмонларнинг интервюларини кўрдим. Уларнинг олимпиада ҳамда юртимиз ҳақидаги таассуротларини эшитдим.

Олимпиадананг барча иштирокчиларига ташаккур изҳор қиламан. Вақти келиб 47-Халқаро Менделеев олимпиадаси ғолиблари орасидан Нобель мукофоти лауреатлари етишиб чиқишига ишонаман.

— Мен аввало Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовга миннатдорлик билдирмоқчиман, — деди **Россия Фанлар Академияси академиги, 47-Халқаро Менделеев олимпиадаси ташкилий кўмитаси ҳамраиси Валерий Лунин**. — Мени энг хурсанд қилган жиҳат олимпиаданинг ҳар бир ўтган куни Ўзбекистон ОАВ томонидан ёритиб борилди. Бу юртингизда олимпиадага қанчалик катта эътибор қаратилганини кўрсатади. Олимпиада ғолиблари

(Давоми. Боши 1-бетда.)



гини қўлга киритган ёшлар ҳозир нуфузли олий ўқув юртида тахсил олишмоқда. Биз уларнинг ҳар бир ютуғидан хурсандмиз.

Олимпиада иштирокчиларига Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари кўрсатилди. Бундан ташқари, Самарқандга сафар уюштирилди. Уйлайманки, бу кунлар ҳеч қачон унутилмайди. Бутун дунё Улуғбек расадхонаси ҳақида эшитган. Аммо Самарқандга бориб уни кўриш ҳаммага ҳам насиб қилмаган. Сизлар эса бунинг ўзинингиз билан кўрдингиз.

Ўзбекистон ҳукуматининг таълим тизимига қаратаётган эътибори таълимнинг сазовор. Ўзбекистон ёшлари келажакда бундан ҳам юқори натижаларни қайд этишига ишонаман.

Билолиддин ШАРОБИДДИНОВ, ЎЗМУ қошидаги С.Сирожиддинов номи академик лицейининг 3-курс ўқувчиси, Ўзбекистон:

— Президентимиз доим Ўзбекистон ёшлари қўлга киритган ютуқлардан фахрланибди. Ҳар гал у кишининг гапларини эшитганимда, мен ҳам албатта ғолиб бўламан, деб ният қилардим. Юртимизда ўтказилган Менделеев олимпиадасида қатнашиб, олтин медалга соҳиби бўлдим. Ушбу натижага эришишимда менга таълим берган барча устозларимнинг ҳиссаси бор. Олимпиада мен ва дўстларим учун жуда катта мактаб вазифасини ўтади. Биз бу вақт мобайнида чет элдан келган тенгдошларимиз билан

суҳбатлашдик. Халқаро тажриба билан танишдик. Эндиликда ўз олдимга янада юксак мақсадларни қўяяман. Уларни амалга оширишга бор кучим билан ҳаракат қиламан.

Галина МАЛЧЕНКО, Украина:

— Мен айни пайтда Украина таълим вазириликда кимё фани бўйича интеллектуал танловлар ўтказиш бўлими координатори бўлиб ишлайман. Тошкентга 47-Халқаро Менделеев олимпиадасига Украина терма жамоаси бошлиғи сифатида таширф буюрдим. Мени энг хурсанд қилган тарафи, олимпиадада иштирок этган саккиз нафар ўқувчиларимизнинг ҳаммаси совриндор бўлди. Улар умумукраина олимпиадасида ғолиб бўлган эди.

Никита ШЛОПОКОВ, Россия:

— Олимпиада ўта юқори савияда бошланди ва шундай давом этди. Бугунги хайрлашув маросими ҳам манзур бўлди. Биз

Президентимиз Ўзбекистон — келажаги буюк давлат, деганида айнан илм-фан ривожланиб, фарзандларимиз дунёни лол қолдиришни орзу қилган эди. Мамлакатимиз раҳбари томонидан таълим тизимида ўтказилган ислохотлардан кўзланган бош мақсад мамлакат ва миллатни жаҳонга таништириш эди. Ўзбекистонда таълим тизимида ажратилган миллийларнинг натижаси Менделеев олимпиадаси ғолиблари тизимида яна бир бор намоён бўлди.

Темур АЪЗАМ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



ҲАМИЮРТЛАРИМИЗ — ЧОРАК ФИНАЛДА!

Кеча Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ босқичи бахсларига якун ясалиб, «Плей-офф»-нинг барча иштирокчилари номи маълум бўлди.

Мусобақанинг «G» гуруҳида тўп сурган Тошкентнинг «Бунёдкор» футболчилари охириги турда Жанубий Кореяда «Поханг Стилерс» жамоаси меҳмони бўлди. Маълум сабабларга кўра, ўйинда тажрибали ҳимоячи Хайрулло Каримов, ярим ҳимоячи Фозил Мусаевларнинг майдонга туша олмаслиги маълум эди. Шунга қарамай, Миржалол Қосимов шогирдлари сафарда ишончли ва мазмунли ўйин намойиш этди. Учрашувнинг 79-дақиқасида Александр Пешчур ҳисобни очган бўлса-да, ҳакам ҳуштаги чалинишига санокли дақиқалар қолганида мезбонлар мағлубиятдан қўтилиб қолишди — 1:1.

Гуруҳнинг иккинчи баҳсида Япониянинг «Санфрече Хиросима» вакиллари «Пекин Гоан» (Хитой) билан дуранга имзо чекди — 0:0. Бу натижа бунёдкорларнинг ўз гуруҳида пенёқадом сифатида кейинги босқичга йўлланганини кўлга киритишини таъминлади.

«G» гуруҳидаги якуний вазият

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Бунёдкор»	6	2	4	0	6-3	10
2. «Пекин Гоан»	6	2	3	1	4-2	9
3. «Поханг Стл.»	6	1	4	1	5-6	7
4. «Санфрече Х.»	6	0	3	3	2-6	3

Кеча мусобақанинг «В» гуруҳида қатнашган мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони — «Пахтакор» жамоаси охириги турни ўз майдонидан Бирлашган Араб Амирликларининг «Аш-Шабаб» футболчиларига қарши ўтказди.

Самандар БОБОРАЖАБОВ

ОБ-ҲАВО 02-03 — 05. 2013

Юртимиз бўйлаб (°C)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти

+10 / +15	+25 / +30
+8 / +13	+25 / +30
+8 / +13	+22 / +27
+8 / +13	+25 / +30
+8 / +13	+21 / +26
+9 / +11	+24 / +26

Дунё бўйлаб (°C)

Лондон	0 / 0
Париж	0 / -1
Москва	+1 / -2
Мадрид	+6 / +4
Пекин	0 / +5
Канберра	+6 / +7
Рим	+10 / +5
Афина	+11 / +12
Токио	+11 / +11
Стокгольм	-6 / -7
Кейптаун	+16 / +15
Қоҳира	+14 / +17
Гавана	+20 / +21
Вашингтон	+1 / +2

Миллий матбуот марказида

Яқин-яқингача дабдабазолик учун ким ўзарга тўймаърака ўтказиш учраб турарди. Бунинг оқибатида қанча кўнгилбузарликлар содир этиларди, исрофгарчиликлар юз берарди.

ТҲҲ-МАЪРАКА ҲТКАЗИШ МАДАНИЯТИ

Тошкент шаҳар ҳоқимлиги томонидан ўтказилган матбуот анжуманида шу хусусда сўз борди

Президентимизнинг «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ўтган йил 18 апрелда «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказиш тартибига қарор қилиш тўғрисида» ва Тошкент шаҳар ҳоқими ўтган йил 10 сентябрда «Тошкент шаҳридаги тўйхона, ресторан ва кафеда тўй-ҳашам, оилавий тантана, маърака ва маросимларни ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» қарор қабул қилганди.

Бу қарорлар ижросини таъминлаш учун шаҳардаги давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида кенгайтирилган йиғилиш ўтказилиб, вазифалар белгиланди. Шаҳар, туман ҳоқимликлари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида тўй-ҳашам, маросим ва оилавий тадбирларни мувофиқлаштирувчи Жамоатчилик кенгаши ташкилд.

Давлат ва жамоат ташкилотлари фаоллари, таниқли олим, адиб ва санъаткорлар иштирокида шаҳарда қарорлар мазмун-моҳиятини тушунтиришга қаратилган тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Тарғибот ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида «Тўй-ҳашам, оилавий тантана, маърака ва маросимларимиз меъёрида бўлсин!» рангли плака-

ти, «Ихчам тўй-маъракалар элу юрта ярашар» китоби, «Тўй ва маросимлар — маънавият, қадрият» буклети чоп этилиб, тегишли муассасаларга тарқатилди.

Шунингдек, шаҳардаги тўйхона ва ресторанлар раҳбарлари иштирокида йиғилиш ўтказилиб, тўй-маърака ўтказиш тартиби билан таништирилди. Шарт-шароитлари ўрганилган ҳолда тўйхона ва ресторанларга тўй-маърака ўтказиш учун лицензия берилди.

Республика Хотин-қизлар кўмитаси йиғилишида ҳамкасбларимга шу мавзуда чиқарилган плакатларни тарқатдим, — дейди **Тошкент шаҳар ҳоқими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси, сенатор Фарида Абдурахимова**. — Уларда бу катта қизиқиш уйғотди, айримлари плакатдан қўшимча нусхалар сураб олишди. Эндиликда учрашганимизда улар ўз вилоятларида бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида фахрланиб гапиришаёпти. Айтмоқчиманки, инсоннинг умри тўй-маъракаларга боғлиқ кечади. Шундай экан халқимиз, айниқса, ёшларимиз онгида тўй-маърака ўтказиш маданиятини юксалтириш долзарб масала бўлиб қолаверади...

Матбуот анжуманида шаҳар ҳоқимлиги мутасаддилари мавзу юзасидан журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтаришди.

Асрор МҲМИН

Спорт

ОЛИМПИА ЧЕМПИОНЛАРИ ТАРБИЯЛАНАДИ

Тойлоқ олимпия захиралари спорт коллежи ўз аънасаларига эга таълим масканларидан бири саналади. Айни чоғда ушбу даргоҳда спортнинг ўн тўрт тури бўйича олти юз нафардан зиёд ўғил-қиз тахсил олмақда.

— Таълим даргоҳимизда ёшларнинг нафақат чуқур билим олиши, балки ўзлари танлаган спорт турлари бўйича иқтидорларини намоён этишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди коллеж директори Баҳодир Саидов. — Бугун спортнинг кўпгина турлари бўйича мамлакатимиз ўсмирлар, ёшлар ва миллий терма жамоаларига муносиб номзодлар тайёрланмоқда. Уларнинг нафақат республика, балки Осиё, жаҳон чемпионатлари, нуфузли мусобақаларда эришаётган натижалари билан фахрланамиз.

Яқинда юнон-рум кураши бўлими тарбияланувчиларидан Қамариддин Зайниддинов (50 кг), Жалил Низомов (55 кг) ўз вази тоифаси бўйича халқаро турнирдан кумуш медалларга сазовор бўлиб қайтди.

Ўз вақтида мазкур таълим даргоҳининг футбол бўлимида сабоқ олган Анвар Бердиев («Нефтчи»), Асрор Алиқуллов («Шўртан»), Ботир Қороев («Насоф»), Умид Абдурахмонов («Динамо») каби истеъдодли футболчиларни бугун мамлакатимизда танимайдиган мухлис бўлмас керак. Эркин кураш бўйича икки қарра жаҳон чемпиони Дилшод Мансуров (60 кг) ҳам мазкур коллежда тарбия олган.

Бугунги кунда коллежда бошқа спорт турлари қаторида байдарка ва каноэда эшак эшиш, академик эшак эшиш, слалом эшак эшиш йўналишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ерда турли йилларда таълим олиб, Ўзбекистон терма жамоаси таркибиде қитъа чемпионати, Осиё ўйинлари ғолиби ва совриндорлари булган

Ақром Жўрабоев, Рафаэль Исмолов, Алексей Бобононов, Зафар Усмонов, Ёқуб Ҳамзаев, Ботир Муратов, Абдурасул Муҳаммадиевларнинг муносиб издошлари улғаймоқда.

— Хабарингиз бор, ўтган йили Тойлоқда жаҳон стандартларига мос байдарка ва каноэда эшак эшиш канали тўлиқ қайта реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди, — дейди коллежнинг байдарка ва каноэда эшак эшиш бўлими бош мурабийи Муса Сейиталиев. — Бу коллежимиз мурабий ва тарбияланувчилари учун катта имкониятлар эшигини очиб шуҳбақис.

Шу йилнинг кузиде навбатдаги Осиё чемпионати илк мартаба ана шу спорт мажмуида бўлиб ўтиши режалаштирилган. Чемпионатнинг ўсмирлар ўртасидаги бахсларида Руслан Қаламетов, Суннат Эргашев, Алишер Аҳмадуллаев, Абдусамол Муҳиддинов сингари ўқувчиларимиз Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади.

Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МҲЖ

Тугатилган «СИФАТ ТЕКС» МҲЖнинг 2013 йил 29 апрелдаги 5-сонли хатига асосан ушбу таъкилот балансидаги қайтадан мол-мулклар:

№	Мол-мулк номи	№	Мол-мулк номи	№	Мол-мулк номи	№	Мол-мулк номи
1	Тикув машинаси «Оверлог» ўрнаткич столи	4	Тикув машинаси «22А тўғри чокли» ўрнаткич столи	7	«22А тўғри чокли» (2 дона)	10	Металл сейф (катта) ва (кичик)
2	Тикув машинаси «Оверлог» ўрнаткич столи	5	Тикув машинаси «Распошивалка» ўрнаткич столи	8	Орг техника (компьютер DELUX, монитор Samsung, принтер Canon LBP 2900) 1 та жамлама	11	Мебель: шкаф офис учун, стол тумбали ва приставквали ҳамда стол 1.2x1.8 оқ (2 дона)
3	Тикув машинаси «22А тўғри чокли» ўрнаткич столи	6	Тикув машинаси «Распошивалка» ўрнаткич столи	9	Сканер Genius 1200		

аукцион савдоларидан олинганлигини маълум қилади.

Гувоҳнома №005357

Реклама

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Бош муҳаррир биринчи ўринбосари Фаррух ҲАМРОЕВ

ТАНҲРИН НАҲ'АТИ:

Abdulla ORIPOV	Murodilla ABDULLAYEV	Muslihidin
Hotamjon KETMONOV	Ulug'bek	MUHIDDINOV
Ulug'bek VAFOYEV	MUSTAFOYEV	Ochilboy RAMATOV
Rustam KAMILOV	Tat'yana KISTANOVA	Saidahmad
Sharbat ABDULLAYEVA	(Bosh muharrir o'rinbosari)	RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatandorlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Koriyabat — 233-72-83, 233-55-17.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.
«Sharq» nashriyoti-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvasida chop etiladi.
Korxonaga manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 545
16380
nuxxada bosildi.
Sotuvda erkin narxda

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 20.40
Topshirilgan vaqti — 22.40

Navbatchi:
Asror MO'MINOV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

ISSN 2000-7433

1 2 3 4 5